

БОШ МАҚСАД – ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИМИЗНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДАН ИБОРАТ

Равшанбек АЛИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:

— Маълумки, кейинги йилларда Марказий Осиё ижтимоий-иқтисодий тараққиёти жиҳатидан муҳим минтақага айланмоқда. У улкан салоҳиятга, жумладан, бой табиий ресурсларга ва стратегик жойлашувга эгалиги билан ҳам ажралиб туради.

Глобаллашув ва мамлакатларнинг ўзаро боғлиқлиги тобора кучайиб бораётган хозирги шароитда Марказий Осиёда парламентларо комиссиялар ва дўстлик гуруҳлари ишини фаоллаштиришни тезкор даврнинг ўзи такозо этмоқда. Негаки, бугун бирор-бир масалани ҳеч бир давлат алоҳида-алоҳида ҳал этолмайди. Фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар муаммолар ечимида энг тўғри йўлдир.

Парламентларо комиссиялар ва дўстлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш учун қуйдаги жиҳатларга эътибор қаратиш муҳим, деб биламиз:

Биринчидан, минтақа давлатлари парламентлари ўртасидаги урчушув ва мулоқотларни мунтазам йўлга қўйиш керакки, бу пировардда долзарб масалаларни муҳокама қилиш, биргаликдаги стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади;

иккинчидан, савдо ва инвестициялар соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиқни замон талаби даражасига олиб чиқиш зарур. Бу борада парламентлардан қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга йўналтирилган янги қонунчилик ташаббуслари ҳамда самарали парламент мониторингини жорий этиш талаб қилинади;



учинчидан, кадрларнинг малака даражасини ошириш ва инновацион ғояларни илгари суриш имконини берувчи таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим;

тўртинчидан, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун, энг аввало, биргаликдаги интилишларни талаб этадиган экологик масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Буларнинг барчасини изчил амалга оширишда, албатта, парламентларо комиссиялар, дўстлик гуруҳлари муҳим ўрин тутати. Аммо улар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштирмасдан туриб қўйилган натижаларга эришиш мушкул. Яъни замонавий Марказий Осиё парламентларо комиссиялари ва дўстлик гуруҳлари фаолиятини жадаллаштириш учун ўзаро ишончга асосланган комплекс ёндашувни тақозо этаётди.

Ишонамизки, бу борада бугун ўз ишини бошлайдиган минтақавий форум муҳим платформа бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадбир доирасидаги очик ва мазмунли муҳокамалар, бу борадаги келишув ва ташаббуслар ушбу тузилмалар фаолиятини бойитиши ва натижадорлигини оширади.

Гулнора МАЪРУФОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзоси:

— Президент Шавкат Мирзиёев ўз фаолиятига киришган дастлабки кунларданок Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни йўлга қўйиш ва кучайтиришни Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида илгари сурган эди. Бу амалда қандай натижа бераётганини бугунга келиб барчамиз қўриб, билиб турибмиз.

Минтақада анча вақтдан бери йиғилиб қолган масалалар биргаликда ҳал қилина бошланди. Ўзаро борди-келдилар ўз ўзанига қайтди. Марказий Осиё давлатлари азалдан бир-бири билан қардош, қариндош эл бўлган. Бу мамлакатлар иттифоқдошликдагина тараққиётга эриша олади. Бу масалани теран англаган давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати боис барча соҳадаги ўзаро ҳамкорлик, иттифоқдошлигимиз мустаҳкамланиб бормоқда. Ва айнан Президентимиз томонидан ҳар йили 5 та мамлакатнинг бирида анъанавий давлатлар раҳбарлари саммити (Маслаҳат учрашуви)ни ўтказиб бориш ташаббуси илгари сурилгани ҳам кечагидек ёдимизда. Бугун ушбу ташаббус минтақамиздаги давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, ўзаро мулоқот майдони пайдо бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва янада мустаҳкамлашда ҳамда олий даражада эришилган келишувларнинг ижросини таъминлашда парламент назорати институтининг имкониятлари салмоқли.



Шу боис кейинги йилларда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилаётди. Хивада ташкил этилаётган Марказий Осиё давлатларининг иккинчи форуми бунинг ёрқин мисоли.

Ёдингизда бўлса, 2020 йилда Ўзбекистон яхши бир ташаббус билан чиққанди. Бу минтақамиздаги хотин-қизларнинг барча муаммосини ҳал этишда парламентдаги аёллар салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиш ташаббуси бўлиб, у ҳам бугун ўз самарасини берапти. Аниқ айтганимизда, минтақамиз парламентларидаги опа-сингилларимиз ўз муаммоларини турли халқаро ташкилотлар орқали илгари сурмоқда ва уларга биргаликда ечимлар изланмоқда.

Марказий Осиё етакчи аёллар мулоқоти ҳам ана шундай уринишлар тўғрисида майдонга келганилиги барчага маълум. Ҳозирга келиб мазкур мулоқот минтақамизда парламентаризмни аёллар ўртасида ривожлантириш, долзарб масалаларни ҳамда муаммоларни биргаликда қўтариш ва ҳал этишда муҳим платформага айланиб улгурди.

Хива шаҳри мезбонлик қилаётган ушбу форум эса минтақамиздаги барча давлатлар парламентлари вакиллари учун ўзаро тажриба алмашиш, умумий муаммоларга биргаликда ечим топиш, энг муҳими, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларни сифат босқичига қўтаришда ўзига хос мулоқот майдони вазифасини ўтайди.

Беҳзод ТЎХТАМУРДОВ,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси:

— Очиги, биз, ёш парламентарийлар ушбу форумга бир неча мақсадлар билан келганмиз. Энг аввало, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ташаббусларини ёшлар даражасига олиб тушишни асосий мақсад қилганмиз. Бу минтақа давлатлари етакчилари ташаббуслари, улар ўртасида эришилган турли келишувлар ва имзоланган битимлар ижросини таъминлаш жараёнига минтақамиз ёшларини янада кенг жалб этишни англатади. Бунинг учун эса минтақа ёшларининг ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга қўтариш ҳамда уларнинг биргаликдаги турли лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш талаб этилади. Бўлажак форум бу борада аниқ мудоаодир.

Иккинчи мақсадимиз эса биринчиси билан узвий боғлиқ. Марказий Осиё минтақасини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда ёшлар ўрни қандай ва қарерда бўлиши кераклигини аниқ кўрсатишдан иборат. Биз ана шундан келиб чиқиб форум доирасида махсус ёшлар резолюциясини ишлаб чиқишни вазифа қилиб олганмиз. Мазкур резолюция парламентларга киритилади ва уларнинг ҳулосалари олинади. Албатта, ушбу резолюция бутун минтақамиз ёшларининг ўзига хос овози бўлиб жараңлайди, деган умиддамиз.



Яна бир мақсадимиз эса юрти-мизда ёш парламентарийлар учун яратиб берилган шарт-шароитлар билан минтақамиз ёшларини яқиндан таништириш билан боғлиқ.

Биласиз, Ёшлар парламенти 2020 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тузилган бўлиб ҳозирги пайтда ҳар иккала палата ҳузурида самарали фаолият олиб бормоқда. Бунинг ҳозирга қадар Марказий Осиё ҳамда МДҲ давлатлари, шунингдек, Европа Иттифоқининг ёш парламентарийлари билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилгани ҳам тасдиқлаб турибди. Эндиги босқичда минтақамиз ёшлари билан алоқаларни янада кучайтиришни ният қилганмиз.

Ўйлаймизки, бўлажак форум бу борада бизга кенг имкониятлар беради. Яъни бу ерда қўшни давлатлар ёшларига, қолаверса, иштирокчиларга Ўзбекистонда ёш парламентарийлар учун яратиб берилган шароитлар бўйича тақдирот ўтказмоқчимиз. Айни чоғда уларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганамиз.

«Халқ сўзи».

Божхона амалиётига замонавий ёндашув

Мамлакатимизда божхона маъмуричилигини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, божхона тартиб-таомилларини амалга оширишда замонавий рақамли технологияларни жорий этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Фикр



Албатта, кўрилатган чора-тадбирлар эътиборга молик. Бироқ амалиётда декларациялаш бўйича хизмат кўрсатиш бозорида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси билан декларацияловчи шахс ўртасида шартнома тузмасдан фаолият олиб бориш ҳоллари кузатиляпти. Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси номидан божхона юк декларациясини тўлдириб, божхона органларига тақдим этилган декларация бўйича аниқланган хато ва камчиликлар учун ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисини жавобгарликка тортишда муаммолар ҳолатлар ҳам учрамоқда. Хусусан, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси номидан божхона юк декларациясини бошқа шахс тўлдириши, бироқ декларациянинг тўғрилиги учун жавобгар шахс ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси бўлгани боис у ўзи билмаган ҳолда бошқа шахс томонидан йўл қўйилган хатolik учун жавобгар бўлиб қолмоқда.

Жаҳон божхона ташкилотига аъзо бўлган юздан ортқ давлатлар божхона идоралари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра унда иштирок этган 85 фоиз мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ божхона брокерлари фаолиятини амалга ошириш божхона органлари томонидан регулятив функциялар асосида белгиланган мезонларга мос бўлган шахсларга рухсат берилиши (лицензиялаш, рўйхатга олиш ёки хабардор қилиш орқали) қайд этилган.

Халқаро тажриба шунини кўрсатадики, Европа Иттифоқи давлатларида ўз мажбуриятини божхона органларида суғурталаган юридик шахслар, Евроосиё иқтисодий иттиқоти давлатларида божхона органлари реестрида рўйхатдан ўтган «божхона вакили», Жанубий Кореяда эса лицензия асосида божхона брокерлари фаолият юридади.

Айтиш жоизки, халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун аниқ талаблар ва уларнинг мақомни белгиланмагани натижасида айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу фаолият бўйича хорижий давлатнинг курьерлик ташкилотлари билан шартнома тузган бўлса-да, солиқ ва божхона тўловларини тўлашдан қочиш мақсадида юридик шахс сифатида қисқа муддатларда корхоналарни очиб ва ёпиш ҳолатлари кузатишмоқда.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ЭҲТИЁЖМАНД ФУҚАРОЛАРГА МЕҲРИБОНЛИК

Халқимиз азалдан ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишини жамиятда тинчлик, дўстлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган энг муҳим қадриятлардан бири сифатида эъзозлаб келади.

Инсон қадри учун

Шу маънода айтганда сўнгги йилларда юртимизда имконияти чекланган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсати янги босқичга қўтарилмоқда. Бу жараёнда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг оруз-истакларини рўёбга чиқариш бўйича муайян ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, уларга бошқа фуқаролар билан тенг равишда ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш имкониятини берувчи қўшимча шарт-шароитлар яратиб мақсадда қонунчилик янада тақомиллаштирилмоқда. Айни соҳадаги амалий ҳаракатлар натижасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиши, ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, реабилитация, ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқлари таъминланяпти.

Давлатимиз раҳбарининг

ушбу масала бўйича муҳим қарор ва фармонлари қабул қилингани, “Инсон қадри учун” тамойили асосида янги Ўзбекистонда инклюзив ривожланиш, яъни аҳолининг барча қатлами учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти уларни умидсизлик ва ишонсизлик қайфиятидан халос қилиш, ҳаётга интилишни оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжидан бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳўмоясида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Яъни давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ҳамда хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши, уларнинг ҳаётини яхшилашига, таълим



олишига қўмаклашиши, зарур бўлган ахборотни тўқинликсиз олиш имкониятини таъминлаш билан биргаликда қўшимча вақт давлатнинг эътиборида эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистонда ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган умумэтирофдаги халқаро норма ва стандартлар миллий қонунчиликка имплементация қилингани эса, ўз навбатида, мазкур тоифадаги шахсларга ишлаш, малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш, ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси, деб ҳис этиши учун янада қўлай шароитлар яратиш имконини бермоқда.

Албатта, давлатимиз томонидан яратилётган имкониятлар, қўлайликларга жавобан улар спорт бўйича жаҳон майдонла-

рида юқори натижаларни қўлга киритиб, Ватанимиз байрогини баланд кўтармоқда. Масалан, яқинда Франция пойтахти Париж шаҳрида ўтказилган Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон вакиллари 10 та олтин, 9 та кумуш ва 7 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 13-ўринни эгаллади.

Президентимиз томонидан шу йил 5 сентябрь кунини имзоланган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги Қонун ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳўмия қилинишни таъминлашга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Бинобарин, мазкур ҳужжат билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ, манфаатларини ҳўмия қилиш, уларнинг тўлақонли ҳаёт кечирishi таъминлаш учун мутлақо янги тизим яратилиб, у давлатнинг ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан муносабати, масъулияти янги даражага қўтарилаётганини яққол намойён этди, десак, айни ҳақиқатдир.

Жумладан, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ аҳолининг ушбу тоифадаги қат-

ламининг одил судловдан фойдаланиш, сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, шунингдек, таълим олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилиши назарда тутилди.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга асосан “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун ногиронлиги бўлган шахслар билан мулоқот қилиш учун қўлай мулоқот шакллари, шунингдек, ижтимоий инфратузилма объектларини ногиронлиги бўлган шахсларнинг уларга монеликсиз кириши учун мослаштириш асосларини белгилash нормалар билан тўлдирилди.

Умуман олганда, бугун юртимизда имконияти чекланган инсонларни зарур билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, барча соҳада фаол иштирок этиши учун бор куч, имкониятлар сафарбар қилинмоқда. Мазкур қонун эса инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро нормалар ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳўмия этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Аҳҳам НАЗИРҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Давлат тиббий суғуртаси:

АҲОЛИДАН ҚЎШИМЧА ТЎЛОВ УНДИРИЛМАЙДИ



Соғлом жамият, аҳоли саломатлиги давлатнинг стратегик мақсади, миллий хавфсизлиқнинг муҳим шартидир. Чунки фақат соғлом инсонгина келажакка тийрак нигоҳ билан боқиши, ўз оиласи билан биргаликда тугилиб ўсган юрт тараққиёти йўлида изланиши, янги-янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиши, унинг ривожига муносиб ҳисса қўиши мумкин.

Муносабат

Шу боис мамлакатимизда барча соҳа қатори соғлиқни сақлаш тизимини ҳам тақомиллаштириш ва тубдан яхшилаш бўйича Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинмоқда. Мақсад битта — шифо истаган кўнглиларга йўл топиш, уларга сифатли тиббий хизматни ташкиллаштириб бериш, тизимда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш.

Агар рақамларга эътибор берадиган бўлсак, охирги етти йилда соҳага ажратилган маблағлар сезиларли даражада ошди. Биргина 2024 йилга келиб тиббиёт соҳасига бюджетдан 33,4 триллион сўм йўналтириш қўзда тутилган бўлиб, бу 2016 йилдагига нисбатан 6 баробар кўпдир.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифати, самардорлиги ва қўлайлиги ошди. Тиббиёт муассасалари тармоғи кенгайиб,

тиббий хизмат аҳолига янада яқинлаштирилди. Кўплаб оилавий поликлиника ва шифокорлик пунктлари қайтадан ташкил этилиб, бирламчи бўғинда тиббий профилактика ва патронаж хизматининг мутлақо янги тизими жорий қилинди. Шунингдек, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга оширилди. Жумладан, оналар ва болаларга хизмат кўрсатувчи муассасалар негизда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг 14 та филиали ташкил этилмоқда.

Инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига бўлган бундай эътибор, тиббий-санитария ёрдами маҳалла, ҳонадонларга таъширилгани тўғрисида шифо масканларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб, ҳозирги вақт-

да бирламчи зарур дори-дармонларни аҳоли тиббиётнинг бирламчи бўғинидан олмақда.

Эътиборли жиҳати, тиббиётнинг шошлинча ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ҳар йили 900 минг нафардан зиёд беморларни шошлирин тиббий ёрдам тизими муассасаларидан стационар даволаш, 1 миллион нафардан ортқ беморларга амбулаторияда тиббий ёрдам беришни таъминлаш, тез тиббий ёрдам хизмати томонидан бир йилда 13 миллионга яқин қақирқларни бажариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Албатта, ушбу соҳага бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликни эрта аниқлаш ва даволашда бирламчи бўғин жуда муҳимдир. Демак, бу йўналишдаги ислохотларни халқимизнинг, айниқса, олис ҳудудлардаги аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганган ҳолда босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини тақомиллаштириш ҳамда тиббий суғурта механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишиш давомида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, бу борада устувор вазифаларни белгиллаб берди.

Айтилганидек, соғлиқни сақлаш соҳа-

сидаги ислохотлардан яна бири — давлат тиббий суғуртаси. Бу борада муайян ишлар бошланган ва тайёргарлик қўрилган. Хусусан, давлат тиббий суғуртаси тизимини шу йил 1 октябрдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида, 2025 йил 1 январдан Қорақалпоғистон Республикасида жорий қилиш тақлиф этилмоқда.

Бунинг учун 2024 йил якунига қадар “Электрон поликлиника” ва “Электрон шифохона” ахборот тизимлари амалиётда қўлланиши, тиббиёт ходимлари улардан фойдаланиш бўйича ўқитилиб, муассасалар зарур техника ва тармоқ қўрилмалари билан жиҳозланиши янги Ўзбекистонда инсон саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси, десак, аниқлимаймиз.

Ушбу тизимнинг аҳамияти шундаки, тиббиётда натижага асосланган молиялаштириш усуллари татбиқ қилинади. Энг муҳими, суғурта доирасида тиббий хизматларни кўрсатиш ва дори воститаларини тақдим этиш Давлат бюджетни ҳисобидан амалга оширилади, аҳолидан қўшимча тўлов ундирилмайди.

Муҳтасар айтганда, бугун соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилган ислохотлар натижасини одамлар ўз кўнглида ҳаётда, турмушда ҳис қилипти ва эътироф этмоқда. Тақдимот давомида белгиллаб берилган аниқ вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш биз, депутатлардан ҳам яқдиллик ва фаолликни талаб қилади. Зотан, инсон учун унинг соғлиғидан ортқ бойлик йўқ экан, бунинг тарғиботи аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ўртасида кучайтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Муҳаммад АБДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Меҳмет ЖЕНГИЗ:
Ўзбекистон — хорижий
инвестицияларимиз
географиясининг
маркази

Бундан ташқари, қайта тикланадиган энергия манбаларидан алюминий ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу эса “яшил” технологияга ўтиш бўйича мақсадимизга эришиш сари янада яқинлаштиради.

Туркияда гидроэлектр ва қуёш энергиясидан биргаликда фойдаланиладиган биринчи гибрид электр станциясини бунёд этдик. Истанбул янги аэропортига салмоқли инвестиция киритдик. Шу кунларда ярим асрлик тажрибамизни хорижда ҳам тарғиб этишга фаол интиляпмиз. Европа ва туркий давлатларга йирик миқдорда инвестициялар киритдик.

Ўзбекистон бу географияда, айниқса, энергетика соҳасига инвестиция киритиш бўйича бизнинг эътибор марказимизга айланди.

Маълумки, Тошкент ва Сирдарёда ҳар бирининг қуввати 240 МВт бўлган иккита электр станциясига инвестиция киритишни якунладик. Айни пайтда Жиззахда ўрнатилган қуввати 550 МВт бўлган учинчи табиий газ электр станциясига инвестиция йўналтириш давом этмоқда. Ушбу лойиҳа амалга оширилгач биз Ўзбекистонда 1030 МВт.га тенг қувватга эришамиз.

Таъкидлаш кераки, қисқа вақтда, яъни уч йил давомида мамлакатингизнинг муҳим электр энергияси ишлаб чиқарувчисига айландик. “Cengiz Holding” фаолият юритиётган ҳудудларда одамларга ва жамиятга фойда келтириш аъёналарини сақлаб қолмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу аъёнани давом эттиряпмиз. Биз, айниқса, маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратамиз. Тошкент ва Сирдарёдаги объектларни таъминлашга банд бўлган 193 нафар ходимнинг 108 нафари Ўзбекистон фуқароларидир. Лойиҳани Жиззахда амалга ошириш жараёнида ишчилар сони 600 нафарга кўпаяди. Уларнинг аксарияти ўзбекистонлик дўстларимиз бўлади.

— “Cengiz Holding” компанияси мамлакатимиз билан узок йиллик ҳамкорлик тарихига эга. Ўзбекистон — Туркия алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлидаги хизматларингиз юксак баҳолини, ўтган йили мамлакатимизнинг юксак давлат мукофотларидан бири — “Дўстлик” ордени билан тақдирландингиз. Ўзбекистондаги келгуси режаларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар хорижлик инвесторларга қандай таъсир кўрсатмоқда? Юртимиздаги инвестициявий муҳит сизга маъқулми?

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан чуқур алоқаларимиз бор. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларга турк ишбилармонлари билан тез-тез учрашади ва ўз мамлакатига инвестиция киритиш учун барча имкониятни ишга солади. Ўзбекистон раҳбариятининг бизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашини доимо ҳис қиламиз. Бунинг учун Президент Жаноби Олийларга миннатдорлик билдираман. “Дўстлик” ордени билан тақдирланганимиз учун алоҳида ҳурматимизни ихсоз этамиз.

Ўзбекистон — биз учун жуда муҳим давлат. Аъёналаримиз, тарихимиз ва тилимиз

муштарак бўлган Ўзбекистон энергетика инфратузилмасига инвестиция киритишни қўллаб-қувватлаб, мамлакатнинг энергия таъминоти хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқчимиз. Энергия ишлаб чиқариш маълум бир нуктага етганда, ўз фаолиятимизни Туркиядаги барча инвестицияларимизнинг диққат марказида бўлган қайта тикланадиган энергия соҳасида кенгайтирмоқчимиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда Тошкент ва Самарқандни боғлайдиган автомобиль йўли қурилиши лойиҳаси устида ишламоқдамиз. Ушбу лойиҳада иштирок этишдан манфаатдоримиз. Қурилиш жабҳасидаги тажрибамизни Ўзбекистон билан бўлишишдан мамнунмиз.

— Мамлакатимиз энергетика соҳасининг ривожини қандай баҳолайсиз?

— Келгусида ҳам Ўзбекистоннинг энергетика инфратузилмасини янгилаш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ва мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаш ниятидамиз. Ўзбекистоннинг энергетика соҳасига янги инвестицияларни жалб этиш режаларимиз бор. Ўзбекистон катта табиий газ захираларига эга. Умумий энергия истеъмолининг қарийб 85 фоизи табиий газ ҳисобига қопланади.

Маълумки, сўнгги пайтларда мамлакатда энергетика тизимига инвестицияларни жалб этиш ишлари тубдан ривожланди. Муҳим энергия етказиб берувчилардан бири сифатида қайта тикланадиган энергия манбаларига ҳам инвестиция киритмоқчимиз. Ўзбекистон каби тилимиз ва маданиятимиз муштарак бўлган қардош мамлакатлар тараққиётига ҳисса қўиш бундан кейин ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

— Юртимизда бир неча бор бўлгансиз. Айтинг-чи, ислом ва жаҳон тамаддунининг буюк меросига эга Ўзбекистон сизда қандай таассурот қолдирди? Умуман, мамлакатимизнинг қайси жиҳатлари кўпроқ манзур?

— Ўзбекистон ўзининг жойлашуви, тарихи, бой маданий қадриятлари ва иқтисодий салоҳияти билан Марказий Осиёдаги энг муҳим давлатлардан бири ҳисобланади. Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларингиз асрлар давомида туркий ислом цивилизациясининг бешиги бўлиб келган. Меҳмондўст ўзбек халқи эса қудратли давлат тимсоллини ифодалайди. Асрлар давомида ўзаро уйғунлашган тарих ва маданиятнинг ажойиб намуналари мамлакатни меъморчилик нуктаи назаридан бутунлай ўзгача маъвога олиб чиққанини эътироф этиш керак. Чиндан ҳам Ўзбекистон ноёб мамлакат — бой ошхонасидан тортиб, рангбаранг шаҳарлари ва ҳудудларигача.

Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган Туркиянинг бир фуқароси ва мамлакатингиз имкониятини яқиндан билган тadbirkor сифатида “Cengiz Holding” оиласи номидан самарали ҳамкорлигимиз Ўзбекистоннинг янада ривожланиши, тараққиёти ва гуллаб-яшнашига салмоқли ҳисса қўишига ишонч билдираман.

«Дунё» АА.
Анкара



Бугунги даврда йирик кутблар ўртасида юз бераётган турли англашилмовчиликлар, мураккаб геосиёсий жараёнлар, биз ва ён-атрофимиздаги давлатлар, айниқса, ШХТ ва МДХ мамлакатларининг тақдирига бевосита дахл қилаётгани масалага жиддий ёндашушни талаб этмоқда.

Юзага келган ўзгача иқлимнинг ўзи мазкур давлатларнинг ички ва ташқи хавфсизлиги ҳамда суверенитети учун янги хавф-хатарларни шакллантирмоқда. Минг афсуски, бу каби чигаллик ИШИД, “Ал-Қоида” ҳамда бошқа турли жангари гуруҳлар томонидан террорчилик таҳдидлари юқори даражада бўлган ҳудудлар учун янада кескин ва турбулент вазиятни вужудга келтириши мумкин. Қора кучлар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиб, ўз сафларига кўпроқ ёшларни тортишга уринмоқда. Улар нафақат аъёнавий ОАВ, балки дунёнинг барча нуктасида аллақачон урфа кириб бўлган оммавий коммуникация воситаларини батамом ўзлариники қилишга интилмоқда. Етачки ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар террорчилар ва одам ёлловчи (вербовкачи)ларнинг тарғибот фаолиятида асосий восита бўлаётгани таассуфланарлидир.

“Ўзбекистоннинг Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича миллий стратегияси кенг қамровли, инклюзив ва тизимли ёндашувага асосланган бўлиб, профилактик ва превентив чораларни қўллаш ҳамда вақтида амалий жавоб қайтаришни ўзида мужассам этади. Жамиятда ҳамжисматлик муҳитини мустаҳкамлаш ва очиқ мулоқотни ривожлантириш, айниқса, таълим-тарбия соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қўллаб иш ўрнларини яратиш ва аҳолининг ишончли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бу борадаги устувор йўналишлар ҳисобланади.”

Халқаро террорчи гуруҳлар турли етачки медиаканалларда бу соҳадаги фаолиятларини айёрона тарзда амалга оширмоқда. Кези келганда шакл ва усулларини тезкор ўзгартириб, янада такомиллаштириб, уни янги шарт-шароитларга мослаштириб олмақда. Гаразли мақсадларга йўналтирилган экстремистик контентлар, қақурувлар, даъватлар ҳамда ғоявий тузоқдан иборат турлича материалларни тарқатишнинг энг замонавий, айёрона усулларини ўзлаштириб, ҳимоясиз аудиторияни, айниқса, ёшларни чалғитишга уринмоқдалар. Хусусан, учинчи мамлакатларда ишлайётган меҳнат муҳожириларига таъсир ўтказишда тўғридан-тўғри янгича технологиялар ва усуллари қўллашаётир.

Мана шундай шароитда ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ)нинг Х халқаро илмий-амалий конференцияси ҳамда МДХнинг терроризм ва экстремизмга қарши кураш бўйича иккинчи конференциясининг Тошкентда ўтказилиши ШХТ ва МДХ маконида терроризмга қарши курашда ягона ёндашушни ишлаб чиқишни талаб этувчи таҳдидлар

якши англаётганидан далолат беради.

Хавфсизликка таҳдид солаётган субъектларнинг бугунги кунда шаклшамойили ва турлари жуда кўп. Мисол учун, айирмачи (сепаратист) гуруҳлар — ўз давлати ёки автономиясига эга бўлишга уринади ва пайт пойлаб ҳаракатга тушади. Бирданига айюҳаннос солиб, масалага кўпчиликнинг эътиборини қаратади. Айримлари бир пайтнинг ўзида ҳам сиёсий, ҳам миллатчилик мақсадларни кўзлайди.

Кейингиси турли шаклдаги диний гуруҳлар шаклида майдонга чиқади. Ўз фаолиятини, асосан, бошқа диндагиларга қарши курашга йўналтиради. Бунга мисол тарикасида Ирландия террористик гуруҳини келтириш мумкин. Улар католиклардан иборат бўлиб, гўёки ўзларини камситилган қилиб кўрсатиб, бошқалардан ўч олиш пайида юришади. Улар барча терактларни протестантлар ва Британия ҳукуматига қарши амалга оширади. Ушбу гуруҳ аъзолари, аввало, ўзларининг сиёсий мақсади — Ирландия ва Шимолий Ирландияни бирлаштириш масаласини ўртага қўяди. Иккинчидан, улар Шимолий Ирландиянинг Буюк Британия таркибидан чиқишини талаб қилади ва диний ғоя сифатида протестантларнинг устуңлигига қарши кураш олиб боради.



нида ҳаётимизга таҳдид солувчи энг катта ва жиддий омил сифатида қолиши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатда таъкидлаганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича миллий стратегия изчил амалга оширилмоқда.

Ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳам уларни турли гуруҳлар ва оқимлар таъсиридан асрашда муҳим омил ҳисобланади. Дунёдаги “қайноқ нуқталар”дан қайтариб олиб келинган шахсларни тинч ҳаётга мослаштириш юзасидан амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бу юртимизда, том маънода, тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш нуктаи назаридан ижобий натижа бериб, бошқа давлатлар учун намуна бўлмоқда.

Қайд этиш керак, тармоқларда ноқонуний фаолият олиб бораётган, “вербовка”, яъни ёллаш ҳамда радикал ғояларни кенг, оммавий тарзда, очикчасига тарғиб этиш ишлари билан шуғулланаётган гуруҳлар қамалгани йўқ. Аксинча, интернетдаги айрим сайтларда, оммабоп ижтимоий тармоқларда, умуман олганда, ҳозирги кибермаконда хавф-хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётганлиги кишини ташвишга солади. Энг ёмони, улар таъсиридаги интернет сайтлари миллий чегаралар, сарҳадлар ва ички қонунчилик нормаларини ҳеч ҳам писанд қилмайдиги умуман тан олмайди.

Мамлакатимизда экстремистик ва террористик мазмундаги материаллар жойлаштирилган интернет сайтлари, каналлар, профилларни аниқлаш ва улар фаолиятига чек қўйиш юзасидан масъул ташкилотлар қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Дин ишлари бўйича қўмита,

Кейинги бир йил ичида миллий кибермаконда шиддатли равишда кенгайиб бораётган сунъий интеллект ёрдамида ишлаб чиқилган фейк ахборотлар вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Аниқроғи, ижтимоий тармоқдан келган ҳар қандай ангилликнинг фейк ёки ҳақиқат эканини аниқлаш масаласи кўндаланг турибди. Чунки ахборот соҳасининг ўзи аллақачон турли ташқи кучларнинг дезинформация ва мисинформация қуролига айланиб бўлган. Бундай вазият ёшларда мустақил равишда очки қорадан ажратиб олиш қўниқмаларини шакллантиришга, яъни медиа ва ахборот саводхонлигини янада оширишга жиддий эътибор қаратишни тақозо этади.

Беруний АЛИМОВ,
шарҳловчи.

РЕКЛАМА

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI

TOSHKENT DAVLAT TRANSPORT UNIVERSITETI

oliy o‘quv yurtidan keyingi ta’lim institutiga 2025-yil uchun quyidagi ixtisosliklar bo‘yicha qabul e’lon qiladi:

№	Ixtisoslik sh.	Ixtisoslik nomi	Doktorantura	Tayanch doktorantura	DSc maqsadli	PhD maqsadli	Stajor-tadqiqotchi
1	01.01.01.	Matematik analiz					1
2	05.01.02	Tizimli tahlil, boshqaruv va axborotni qayta ishlash		1			
3	05.01.06	Hisoblash texnikasi va boshqaruv tizimlarining elementlari va qurilmalari	1	3			
4	05.01.07	Matematik modellashirish. Sonli usullar va dasturlar majmui		6			
5	05.02.03	Teknologik mashinalar. Robotlar, mexatronika va robototexnika tizimlari	1	4			
6	05.02.08	Yer usti majmualari va uchish apparatlari		2			
7	05.08.02	Temir yo'llar va yo'l xo'jaligi	1	3			
8	05.08.03	Temir yo'l transportini ishlatisht	2	10			1
9	05.08.04	Navigatsiya va havo yo'llari harakatini boshqarish		5			
10	05.08.05	Temir yo'llarning harakatlanuvchi tarkibi, poyezdlarni tortish va elektrlashtirish	1	14			
11	05.08.06	G'ildirakli va gusenitsali mashinalar va ularni ishlatisht		10			
12	05.09.02	Asoslar, poydevor va yer osti inshootlari. Ko'priklar va transport tonnellar. Yo'llar, metropolitenlar		17			
13	05.09.05	Qurilish materiallari va buyumlari	1	4		4	
14	05.09.07	Gidravlika va muhandislik gidrologiyasi	1	4		2	
15	05.10.01	Mehnatni muhofaza qilish va inson faoliyati xavfsizligi	1	4			
16	08.00.03	Sanoat iqtisodiyoti	1	4			1
17	08.00.11	Marketing		5			1
18	08.00.13	Meneyjment		6			
19	09.00.04	Ijtimoiy falsafa	2	4		1	
20	10.00.06	Qiyosiy adabiyotshunoslik, chog'ishtirma tilshunoslik va tarjimashunoslik		10			1
21	05.02.01	Mashinasozlikda materialshunoslik. Quymachilik. Metallarga termik va bosim ostida ishlav berish.		4			
		Jami	12	120		7	5

Шу йилнинг 1 август ҳолатидаги маълумотларга кўра, юртимизда 43 293 та оилавий корхона фаолият юритмоқда.

Manzil: Toshkent shahri, Temiryo'Ichilar ko'chasi, 1-uy, 379-xona
Telefonlar: 71-299-01-89; 71-299-00-49.

